



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz


2007 йил 6 июнь, № 109 (4262)

Чоршанба

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК ҚУДРАТИНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ



Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов 5 июнь куни пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Ҳазрати имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида бу ерга ташриф буюрди.



Ушбу мажмуада ниҳоятда қисқа муддат — 4 ой мобайнида жуда катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва қўқалмазорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу масканда салобат ва маҳобат тўкиб турган Ҳазрати имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Ўзбекистон

мусулмонлар идорасининг янги биноси ва бошқа ноёб, бетакрор иморатлар ҳар қандай инсоннинг ҳам қўқалини қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосини яна бир марта ёрқин намоян этиди. Қиёфаси тубдан ўзгариб, бутунлай янгича чирой касб этган бу масканга қадам

қўяр экансиз, беихтиёр Соҳибқирон Амир Темур бобимизнинг «Бизнинг қудратимизни кўрмоқчи бўлганлар, биз барпо этган иморатларга боқсин!» — деган ҳаққоний сўзлари ёдга тушади. Президент Ислам Каримов Ҳазрати имом мажмуасини кўздан кечиран экан, бундай улғувор оби-

далар Оллоҳ таоло назари тушган муқаддас заминдагина бунёд этилишини, бу эса бизнинг маънавий илдишларимиз нақадар теран ва бақувват эканининг тасдиғидир, деб таъкидлади. Мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида кенг қўламда амалга оширилаётган мана шундай эзгу ишлар Ўзбекистон дав-

лати, Ўзбек халқининг бугунги кунда қандай орзунияти ва интилишини билан яшаётганидан далолат беради. Юртбошимиз ушбу мажмуани барпо этишда жонбозлик кўрсатган қурувчи ва муҳандислар, қўли гул усталар, шу савобли ишга ҳисса қўшган барча инсонлар меҳнатига юксак баҳо

бериб, уларга халқимиз номидан миннатдорлик билдириди. «Бизнинг қўнғилимиз ҳам, юзимиз ҳам ёруғ, иншоолло, келажакимиз ҳам ёруғ бўлади», — деди давлатимиз раҳбари пировардида. (Ў.А.)
Фарҳод ҚҮРБОНОВ
олган суратлар.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Мўъжазгина хона. Мурватлари нозик, кўрмисизгина агрегат бир кеча-кундузда «КамАЗ» автомашинасига юк бўладиган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқараётганига ишонгинг келмайди. Лекин бугун бор-йўғи 15 киши меҳнат қиладиган «Фаранткор-сервис» хусусий корхонасида тайёрланаётган қора лок, эмаль бўёқлари, мебель лоқларини қўшни Тожикистон, Қирғизистон, ҳатто Россия, Эрон, Туркия ва Финляндияда ҳам яхши билишади.

ФАРҒОНАДАН — ФИНЛЯНДИЯГА

Мазкур корхона «Ташаббус-2007» республика қўриқтанловида «Маҳаллийлаштириш дастурини аъло даражада бажарганилиги учун» йўналиши бўйича ғолиб бўлган эди. Шундан сўнг унинг маҳсулотларига қизиқиш янада ортди. Илгари автомашиналарни коррозиядан сақловчи, агрегатларнинг умрини узайтирувчи «Антикор» маҳсулоти мамлакатимизга Россиядан олиб келинарди. Унинг хомашёси республикамиз корхоналарида мавжуд эди-ю, фақат тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган дастгоҳ олиб келиш муаммо бўлиб турарди. Бу ишга тадбиркор Абдуқўдус Юнусов қўл урди. У банк кредити олмай, балки енгил машинаси, турар жойини сотиб, етарли миқдорда маблағ жамғарди. Кейин вилоят саноат — савдо палатаси йўлланмаси билан Голландияга йўл олди. Республика Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги шафелигида битилган шартномага биноан, «Стари» фирмасидан энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар ва агрегатларни харид қилди. Тошкентдаги «Намуна — гранд» фирмаси эса тегишмор, қоршима тайёрлаш ускуналарини етказиб берди. Шу тарзда иш юришиб кетди. Дастлаб автомобилларни коррозиядан сақловчи «Антикор» қоршимаси тайёрланган бўлса, кейинчалик барча турдаги бўёқларни сувоқлаштириш аралашма ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хозирги кунда янги корхонада салкам 10 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. «УДЭУавто» қўшма корхонаси ҳам «Антикор»ни шу ердан олмақда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган лок ва бўёқлар асосан қаттиқ пластмасса идишларда бюртмачиларга етказиб берилляпти. Маҳсулот таннархи эса хоржоникидан 3-4 баробар арзон. Хусусан, Россиядан келтирилаётган бўёқни сувоқлаштирувчи аралашма юртимиз бозорларида 1300-2000 сўмдан сотилаётган бўлса, «Фаргона тамғаси» билан тайёрланаётган маҳсулот 600 сўмдан ошмайди.

Энг муҳими, маҳсулотнинг хомашёсидан тортиб идишларигача ўзимизда тайёрланаёпти. «Навоийазот» бирлашмасидан акрил сақич, қорақурум, Олмалик кимё корхонасидан селкатви, Фаргона нефтини қайта ишлаш корхонасидан триксол, Фаргона ёғ-мой комбинатидан гашипол сотиб олинаёпти.

Биз корхонада бўлган кўнимиз қўшни қирғизистонлик харидорлар б. ерга ташриф буюришган экан. Уларнинг айтишича, корхона маҳсулотларига қўшни давлат бозорларида харидорлар кўп.

— Корхонамиз дунё бозори сари йўл олаётгани учун республика Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тавсияси билан унинг номи «Фаранткор — сервис» деб ўзгартирилди, — дейди Абдуқўдус Юнусов. — Лекин гап номда эмас. Мақсадимиз маҳаллийлаштириш дастури асосида обфқа турган корхонамизда «Фаргона тамғаси» билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг янада бозорларидagi ўрнини жа-нда мустаҳкамлаштириш.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИШБИЛАРМОНЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил июнь ойида қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да»ги Фармонлари ва бошқа бир қатор тегишли қарорлар туфайли давлат идораларининг тадбиркорлар фаолиятига ноконуний аралашуви барҳам топмоқда. Тақдим этиладиган ҳисобот тизими такомиллаштирилди. Тадбиркорлик субъектларига фақат суд орқали ҳуқуқий тасвир чораларини қўллаш тартиби жорий этилиши

ҳам мулкдорларнинг эркин фаолият юритиши учун хизмат қилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида Сурхондарё вилоят ҳўжалик судига тадбиркорларга нисбатан турли ҳуқуқий тасвир чоралари қўллаш тўғрисида 175 та муурожаат тушди. Муурожаатларнинг 48 таси қаноатлантирилди, қолганлари асоссизлиги туфайли тадбиркорлар фойдасига хал этилди. Бу тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизими тўлиқ шаклланаётганидан далолат беради. Айни пайтда вилоятда 23 миңдан

ортик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидagi улushi 62 фоизни ташкил этади. Утган йили воҳада ушбу соҳани ривожлантириш ҳисобига 33 миңдан зиёд иш ўрни яратилди, тадбиркорлар 45 миллион 915 миң АҚШ доллари қўй-матдаги товарни экспорт қилиб, 8 миллион 409 миң доллар миқдорда импорт товарларни келтирди. Шу билан бирга, ўз мажбуриятларини унутиб қўйган айрим тадбиркорлар томонидан қонунбузилиш

ҳолатлари ҳам содир этилаётир. Термиз шаҳрида «Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» мавзуда ўтган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ф.Отахонов, Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи И.Жасимов ва бошқалар мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш учун яратилаётган қўлайлиқлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида атрофлича тўхталдилар. Семинарда Сурхондарё вилояти ҳоқими А.Эшмуратов қатнашди.
Х. МАМАТРАЙИМОВ,
Ў.А. мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Табиатни асранг, одамлар!

Бутунжаҳон атроф-муҳитни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси матбуот анжумани ўтказди.

Таъкидландики, мамлакатимизда экологик муаммоларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли тушутириш, тарғибот ишларига қарамай, бу борода қонунбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Гарчи ўтган йили ҳўжалик юритувчи субъектларнинг текшируви илгаринги йилга нисбатан 1,6 марта камайган бўлса-да, қонунбузилиш ҳолатлари 5,5 фоизга ортган. Оқибатда 13,6 миңга яқин мансабдор ва жисмоний шахслар маммурий жавобгарликка тортилган.

Соҳа мутахассислари томонидан атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган корхоналар ўз вақтида аниқланиб, қандабузарларга нисбатан тегишли чоралар қўриллаётгани ўз самарасини беряпти. Хусусан, атмосферага чиқарилаётган ифлослантيرувчи моддалар 10,9 миң тоннага камайиб, 2,4 миллион куб метр сув тежаб қолинди. Шунингдек, тадбирлар доирасида 1000 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 2300 гектар ерда қўқалмазорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Хуллас, атроф-муҳитни ҳимоя қилишдан мақсад ҳаётимиз гултожи ҳисобланмиш инсоннинг бекаму кўст яшаш учун бетимсол имкон яратишдан иборатдир.
Санд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Экофестиваль доирасида, шунингдек, мамлакатимизнинг бой экотуристик салоҳиятини намоян этиш учун кўргазма ташкил этилди. «Экология ва саломатлик кунлари» республика кўрик-танловининг ғолиблари тақдирланди.

2007 йилнинг биринчи чорагида республикамизда чакана савдо айланмаси
16,5 фоизга ошди
Ўтган уч ой мобайнида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш, республика савдо айланмасида қишлоқ савдоси, умумий савдо айланмасида эса расмий савдо улушларини кўпайтириш ҳисобига шундай ижобий натижага эришилди.



Очиқ мулоқот

Зафаробод туманида бўлиб ўтган очиқ мулоқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, республика «Оила» илмий-амалий маркази вакиллари тумандаги маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, корхона-ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳусусида гапирдилар.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«SOS Киндердорф интернешнл» халқаро жамияти президенти Хельмут Кутин бошчилигидаги ушбу халқаро жамият ва Германиянинг Герман Гмайнер номидаги жамғармаси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифидан мақсад «SOS-Тошкент болалар маҳаллалари» фаолияти билан танишиш ва Самарқандда етим болаларни оила шароитида тарбиялаш бўйича яна бир шундай ҳамжамият очилишига иштирок этишдир.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Мустақилликнинг илк кунларидан Ўзбекистон болалари соғлом, ҳар томонлама билимли, жисмонан ва маънавий етук бўлиб вояга етиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш Президент Ислам Каримов олиб бораётган сиёсатнинг энг муҳим устуворликларидан бирига айланди. Шу мақсадда бир қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда, миллий қонунчилик халқаро меъёрлар ва БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштирилмоқда. Тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан маҳрум бўлган болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда амалиётда сигналдан энг яхши педагогик-тарбиявий технологиялар асосида қўллаб-қувватлаш алоқалар амалга оширилмоқда. Жумла-

Самарқанд ўзининг гўзал табиати, қадимий ва бой маданияти, Шарқ меъморчилигининг кўна аъналарини ўзида мужассам этган бетакрор обидалари билан дунёга донг таратган.

Дунёнинг турли мамлакатларидан келаётган сайёҳлар ва юртимиз меҳмонлари бу иншоотларни ҳамisha хайрат ва ҳаяжон билан томоша қиладилар. Мустақиллик йилларида ҳўкуматимиз томонидан тарихий обидаларни асраб-авайлаш, таъмирлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунда шаҳардаги Регистон, Гури Амир, Шоҳи-Зинда, Бибиҳоним, Рўқобод мажмуалари, Улўбек расадхонаси, ҳазрати Хизр масжиди ва уларнинг атрофи бутунлай янгича қиёфа касб этди. Ушбу тарихий обидаларнинг асл ҳолатини сақлаган ҳолда келгуси авлодларга етказиш учун таъмирлаш-пардозлаш ишлари амалга оширилди.



О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Қашқадарё пилласи



Қашқадарё вилояти пиллакорлари қабул пунктларида 2 минг 480 тонна қимматбаҳо сановат хомашёси топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар.

Жорий йилда воҳада 52 минг 904 қўти ипак қўрти парваришланди. Шахрисабз, Китоб, Яққоб, Қарши, Косон туманлари пиллакорлари умумий хирмонга салмоқли ҳисса қўшдилар. Қарши туманидаги Сайёра Шамширова, Косон туманидаги Гулнеҳра Маматова, Шахрисабз туманидаги Соҳиб Самиев бошлиқ пиллачилик звеноларида ҳар қўти куртуруғидан 65-70 кило-

граммдан ҳосил олинди. Эришилган ютқуда пиллакорларга зарур шарт-шароит яратилгани муҳим бўлди, — дейди вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмаси раиси Исроил Ишнаев. — Пиллачилик звеноларига олинган бўнак пули, қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари тарқатилди.

Айни кунларда пилла топшириш давом этмоқда.

Ишга

жойлашмоқчимисиз, марҳамат!

Жиззах политехника институтинда ўтказилган «Бўш иш ўринлари ярмаркаси»да вилоятдаги барча корхона ва ташкилотлар иштирок этди.

Унда вилоятдаги олий ўқув юр்தларини битираётган ёшларга 145 та бўш иш ўринлари тақриф этилди.

Жиззах туманидаги иқтисодиёт коллежи билан меҳнат шартномасини имзолаган Ш. Мухторованинг таъкидлашича, уларнинг гуруҳидаги барча битирувчилар иш билан таъминланган.

Ярмарка иштирокчилари бундай тадбирларни мунтазам уюштириш ҳар жиҳатдан манфаатли эканлигини таъкидладилар.

Энг яхши мактаб психологи ким?

Пойтахтимизда Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика таъхис маркази ташаббуси билан «2007 йилнинг энг яхши мактаб психологи» кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловда беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри босқичларида голиб бўлган иштирокчилар катнашди. Уч кун давом этган беллашувнинг якуний босқичида иштирокчилар психологик-педагогик таъхис хизматини яхшилаш, тест синовлари, компьютер саводхонлиги, муаммоли ва мураккаб вазиятларда турти йўл топшига оид шартлар асосида ўз би-

лим ва кўникмаларини намойиш этдилар.

Беллашувда Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 107-мактаб психологи Эльвира Габбасова биринчи ўринга сазовор бўлди. Фаргона вилояти Учкўприк тумани 22-мактаб психологи Ёзёзхон Йигиталиева иккинчи ҳамда Наманган вилояти Норин туманидаги 11-мактаб психологи Гулнора Давронова учинчи ўринга лойиқ топилди.


Замонавий зиё маскани

Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс маркази (АРМ) 82 номдаги 3700 дан ортиқ янги китоблар билан бойиди. Уларнинг умумий қиймати 13 миллион сўмдан зиёддир. Айни

пайтда ушбу зиё маскани таъмирланиб, 15 та компьютер ва бошқа жиҳозлар келтирилди. Интернет тармоғига уланган компьютерлардан эса талабалар бепул фойдаланмоқдалар.

Гуллар ва қушлар байрами

Фаргона шахрининг Аҳмад ал-Фаргоний номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий гуллар ва қушлар байрами бўлиб ўтди. Унда юздан ортиқ корхона ва ташкилот, маҳалла ва таълим-тарбия муассасалари вакиллари ўзлари парваришлаган анвоий гуллар ҳамда қушлар билан иштирок этди.



Бу — фаргоналикларнинг энг сеvimли байрамларидан бири, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Раънохон Бойқўзиёва. — Аҳолининг, хусусан, ёш авлодининг она табиятга, ҳайвонот ва наботот оламига бўлган қизиқишини оширишда, қалбларни эз-

гулик, гўзаллик ва нафосатта ошно этишда бу тадбирнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис, байрам иштирокчилари сони йилдан-йилга кўпайиб бораёттир. Дарҳақиқат, кўргазмада намойиш этилган рангоранг гуллар, бир-биридан чиройли қушлар табият шайдоларига бир олам завқ бахш этди.

Тадбир якунига кўра, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи, Фаргона давлат университети ҳамда шаҳар халқ таълими бўлими томонидан тайёрланган қушлар ва гуллар экспозициялари юқори баҳоланди.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хобарлари асосида тайёрланди.

Сановат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларнинг ишлари кишида қизиқиш уйғотади. Комиссия иш режаларини қозғога эмас, одамларнинг тил учида турган мақсадларига, кундалик муаммоларга қараб тузади. Оқдий бўлиб кўрилган масалани ислохотлар билан, субъектлараро шартномаларнинг бажарилиш меъёрлари, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро ҳуқуқ-манфаатлари билан боғлай олади.

Шу боғлиқлик тақозоси билан бу гал коммунал тўловлар ҳолатини чуқурроқ ўрганишга тўғри келди. «Тумангаз» филиали деб-битор қарзларини ундирилмай сарсон. Истеъмолчининг бўлса таъминотига эътирозлари қўқоп: тўловдан қочмаймиз. Фақат таъминот ва хизмат кўрсатишда тартиб бўлсин, дейди одамлар.

Таҳлил ва кузатувлар чоғида эътирозлар бекорга айтилмагани биллиниб қолди. Жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ҳисобга олиниб, доимий комиссия филиалда ташкилотчилик су-сайиб кетган, деган хулосага келди. Хулоса Шўрчи туман кенга-шининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилди. Сессияда белгиланган чора-тадбирлар бугун соҳада ўнганлишлар қарор топшига асқотмоқда.

Доимий комиссия йилига 150 минг тоннадан кўп донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган Шўрчи дон махсулотлари ҳисса-дорлик жамияти жамоасининг комбинат қошида урни қадоқлай-диган полиэтилен қоп ишлаб чи-

АСОСИЙСИ — АМАЛИЙ ИШ

қариш цехини қуриш заруратига қаратилган тақлифини ҳам эъти-борсиз қолдирмади: молиявий имкониятлар ўрганилди. Мурак-каб технологик ечимларни ҳал этиш тадбирлари мувофиқлашти-рилди. Сановатни маҳаллийлаш-тириш дастуридан келиб чиқиб, малакали кадрлар тайёрланди.

Натижа — ижобий. Цех ишга тушгач, комбинат узоклардан қол харид қилишдек ташвишдан қулди. Яна муҳими — юздан ор-тиқ янги иш ўринлари яратилди. Муҳими — ишлаб чиқарилаётган махсулот сифати юқори. Иқтисо-дий самара ҳам кўнглдагидек.

— Айниқса қишлоқ муаммолар-ини ҳал этишга кўпроқ жазм қиляпмиз, — дейди доимий ко-миссия аъзоси, 29-Хонобод сай-

лов округидан туман Кенгашига сайланган депутат Худойберди Аноров. — Одамларнинг тақлиф-лари, истак-орзуларини юртнинг осойишталиги, манфаат ва ра-нақи билан боғлай билиш ҳам-масидан муҳимдир. Ҳар бир

икир-чирнинг ҳам ижтимоий аҳамиятини баҳолаш, фаолияти-ни шунга қараб йўналтириш ко-миссиямиз учун мезон.

Депутатнинг Шакарқўл маҳал-ласидаги сайловчилар билан уч-рашуви шу жиҳатдан аҳамиятли бўлди. Кўча-кўприқларни созилаш, 27-умумий ўрта таълим мактаби-га ҳоимийлик ёрдами кўрсатиш, спорт, маданий-маиший тўғарақ-ларни ташкил этиб, уларга кўпроқ ишлар бажарилгани баробарида тоза ичимлик суви таъминоти, ат-роф-муҳит ифлосланишининг ол-дини олиш муаммолари ўртага қўйилди. Саид Яҳёев, Эргаш Ма-мақулов каби сайловчилар маҳал-лада кичик сановат ва маиший хиз-мат кўрсатиш ширкатларини та-р-сис қилиш лозимлигини айтидлар.

ҳамкорлиги одамларнинг та-шаббуси билан боғлаб юритиш-га ўргатган. Фалон масала биз-нинг иш режамизда йўқ деб ўша масалани орқага суриб қўймай-ди. Шу ҳамкорликни тагин ҳам му-стаҳкамламоқ учун комиссия имкон қадар қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида маслаҳат-таҳлил кенгашларини шаклланти-рмоқчи. Бу ҳам одамлар ора-сига кириб бориш йўлида катта қадам бўлади.

Ҳа, суҳбатдошимиз айтгани-дек, доимий комиссиялар фао-лияти, бу аввало, ҳаёт кўзғуси.

— Бу кўзғунинг ҳеч бир расми-ятчилиги ўзибўларчилик хира-лаштирмаслиги керак, — дейди доимий комиссия раисининг ўринбосари Музробшо Алимар-

Маҳаллий кенгашларда

Аноров, табиийки, кўрган-лишимизда «хизмат» ишлаб чи-қариш хусусий корхонасининг ҳисоботини эшитамиз. «Хизмат» аслида яхши иш қиляпти. Ле-кин 1-умумий ўрта таълим мак-таби таъмири ва яна бир қатор жойлардаги ишлардан кўнгл тўлмайди. Қўлдан ўтгунча, эга-сига етгунча, дегувчи пудратчи-лар йўқ эмас. Одамлар ҳаёти-миздаги катта-кичик ижобий ўзгариш ва ютуқларни олқишлаш билан бирга камчиликларга бе-парво бўлаётганлари йўқ. Ижти-моий фаолиқ, умумманфаатлар-га қуюнаклиқ ошмоқда. Ана шу ҳолатнинг ўзи белни янада маҳ-кам боғлаб ишлашимизни тақо-зо этади.

— Шу изчиллик бошқа доимий комиссияларимиз фаолиятига ҳам хос — дейди Ҳамза Қулма-тов. — Утган давр мобайнида ко-миссияларнинг йиғилишларида эллиқтадан ортиқ масала ўр-ғанилди. Улардан муҳимлари туман кенгаши сессияларига қўйилди. Масаланинг муҳокамасига эмас, унинг ихросига эришиш диққат марказига қикди. Бу Кенгашимиз-нинг бамаълаҳат, бақамти бўлиб ишлашини таъминламоқда.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



Бунда бор ҳарорат, муҳаббат, шафқат...

«Тошкентдонмахсулот» очик акциядор-лик жамияти, Чиноз туманидаги «Хоси-ят» ишлаб чиқариш ҳўсуеий корхонаси ҳамда «Умид», Илҳом ота», «Жўрабек» фермер ҳўжаликлари ой бошида ўзига хос ташаббус билан чиқдилар. Тўққиз нафар чақалоққа дўдақлар қилиш-кечақларига ва бо-лалар аравачалари совға қилинди. Туман фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёши идораси ҳодимлари эса тугилганлик ҳақидаги сувоҳномаларни янги меҳмонлар-

нинг ота-оналарига тантанали равишда топширдилар.

Қўрай туманидаги вилоят руҳий ано-мал болалар уйида ўтказилган тадбир ҳам низолатда мароқли ўтди. Унда суъза чиққанлар муассаса биниси вилоят ҳоким-лиги ташаббуси билан мукамал таъмир-ланганини, тарбияланувчиларга ҳоимий кор-хона-ташкитлотлар томонидан умумий

қиймати 26 миллион сўмлик турли буюм-лар ҳада қилинганини, туман ҳоким-лиги ва вилоят ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаси ўзаро маслаҳатлашиб, бола-жонларга «Дамас» автомашинаси ажрат-ганини мамнуният билан қайд этидлар.

Абдуноб ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: оналарга болалар арава-чалари топширилаётган пайт.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

БОЛАЛАРГА ҒАМҲЎРЛИК НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

дан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги қаро-рига кўра «SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси ташкил этилди.

2000 йилда Тошкентда «SOS-Болалар маҳалласи»нинг таш-кил этилиши уюшманинг биринчи лойиҳаси бўлди. Ҳозир бу ерда 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 100 нафар бола яшамоқда, тарбияланмоқда ва ўз иқтисодини ривожлантирмоқда. Улар бу ерда ўз уйини, оиласини ва она меҳрини топди.

Маҳалла ҳудудида 14 та оилавий коттеж, болалар боғчаси, яхши жиҳозланган спорт ва ўйин майдончалари бор, кўлаб тўғарақлар ва секциялар фаолият кўрсатмоқда. Уларда бо-лалар ва қизлар макраме, инглиз тили ва ракс билан шуғул-ланмоқда, шахмат, футбол ўйнамоқда, кураш тушишни ўрган-моқда. Икки қаватли ҳар бир коттежда тарбиячи-она ва оила-га қабул қилинган турли ёшдаги бир неча бола яшайди. Улар ҳўжаликни ўзи юритади, дарс тайёрлаш ва турли маиший муаммоларни ҳал қилишда бир-бирига ёрдам беради. Бу ҳақиқий оила бўлиб, болалар оналарига айланган аёл, тутин-ган ака-сингиллари меҳрини ҳис этиб, ҳурмат ва эътибор муҳитида яшайди. Айни пайтда оилалар бир-биридан ажра-либ қолган эмас. Улар тажриба алмашади, ўзаро ёрдам кўра-тади. Буларнинг барчаси бола шахсиятининг ривожланишига, унинг ижтимоий жиҳатдан фаол, жамият учун зарур ва фой-дали инсон бўлиб ўлгайишига кўмаклашди.

Хорижий делегация аъзолари Болалар маҳалласига та-ширф буюриб, тарбиячи-оналар, болалар билан мулоқотда бўлди. Шундан сўнг матбуот анжумани ўтказилди. «SOS Кин-дердорф интернешнл» халқаро жамияти президенти Хельмут Кутин журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, жум-ладан, шундай деди:

— Бу каби болалар маҳаллалари биринчи марта 60 йил олдин Австрияда Герман Гмайнер томонидан ташкил этилган эди. Ҳозир унинг номидаги жамғармада бутун дунё бўйлаб бу ноёб моделни тарқатиш учун маблаглар тўпланди. Бугунги кунда бундай маҳаллалар 132 мамлакатда фаолият кўрсат-моқда. Бирок, бу хайрли ишчи молиявий кўлаб-қувватлаш энг муҳим масала эмас, асосийси, бутун жамиятнинг иштиро-қини таъминлаш зарур. Бир неча йил аввал болалар маҳал-ласи ташкил этилиши муносабати билан Тошкентга келган-дим. Ушанда Президент Ислам Каримовнинг болаларга, улар ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шароит яратишга қанчалик эътибор қаратаётганига ишонч ҳосил қилдим. Бу қийн, лекин жуда хайрли иш. Самарқандда болалар маҳал-лаларини яратиш бўйича лойиҳанинг амалга оширилиши — мамлакатимизда болалар келажиги йўлида қилинаётган ул-кан ишларнинг яна бир намойиши бўлади.

Матбуот анжуманида суъза чиққан «SOS Киндердорф интер-нешнл» халқаро жамияти бош котйби ўринбосари Михаел Пёлтл ва ушбу ташкилотнинг Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича директори Зденко Седлар Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган сиёсат изчил амалга оширилаётганини таъкидлади. Улар оила шаклидаги узок муддатли шафқелик лойиҳаси мамлакатимизда ҳам дав-лат, ҳам аҳоли томонидан кўлаб-қувватланаётганини қайд этди. Шундан сўнг «SOS Киндердорф интернешнл» халқаро жа-



мияти делегацияси Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида-ги «Гулистон» маҳалласида бўлиб, республика «Маҳалла» хай-рия жамғармаси ва БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ вакиллари билан оилани мустаҳкамлаш бўйича қўша лойи-ҳанинг амалга оширилишини муҳокама қилди. Бугунги кунда кам таъминланган ва кўп болали 54 та оила патронажга олин-ган. Бу оилалардаги ота-оналар ва болаларга зарур ҳуқуқий, тиббий, психологик-педагогик, хайрия ёрдами, ишга жойла-шишда кўмак берилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳа доираси-да ижтимоий ҳодимларни тайёрлаш учун тренинглар ташкил этилган бўлиб, ҳодимлар унда олган билгим ва тажрибалари-ни ўз маҳаллаларида қўлайди ҳамда келгуси Болалар ма-ҳаллалари учун кадрлар захираси ҳисобланади.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири. Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Самарқанднинг 2750 йиллик қўлғу тўйига тай-ёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган дастурга муво-фиқ, Бибиҳоним ва Окса-рой мақбаралари, Тилла-

ЭГРИ ЙЎЛ ЧОҲГА ЕТАКЛАР

Отабек Римбоев эгри йўлни танламаганида, юзи бугунгидек шувут бўлмасди. Гап шундаки, унинг кўнгли Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига ўқишни тусаб қолади. Бирок, бунинг учун умумтаълим мактабини битирган бўлиши керак. Отабек-чи? Битирмаган. Ҳўш, унда ўрта маълумот тўғрисидаги аттестатни қаердан, кимдан олиши мумкин?

Шу ҳақда ўйлаб юргани-да Тахитовдаги 7-сон мак-таб директори Курбонбой Ражабовни учратиб қолди. Ниятини билдири-ди. Аммо аттес-тат дегани шун-чаки бериб юбо-риладиган қозғ эмас-да. Иш осонликча бит-мади. Шундай бўлса-да, К.Ражабов Отабекнинг вад-дасидан куруқ қолмаслик илжинида унга ёрдам бе-ришга тўнғиди. Ямқасби — шу шаҳардаги 3-сон мактаб директори Нағийма Дўйсе-товга дилидагини айтди. Нағийма деганлари ҳеч ик-киланмай, қўзини «чирт» юмиб, серияси «КРС» бўлган 0053828 рақамли аттес-татни унга қўшқўлаб топшир-ди. Шу тарзда Отабек Рим-боев ўрта маълумотга эга бўлди. Ҳолбуки, у ўзи «би-тирган» таълим даргоҳининг қайси кўчада жойлашганини ҳам билмасди.

давлат университетига ўқишга кирди. Бирок кўп ўтмай қўнғир ишининг қийми чикди. Эндигина танишган

Жиноятга жазо муқаррар

гурӯхдошлари билан хайрла-шишга тўғри келди. Албат-та, шу билан қутулгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддасида кўрсатилган жи-ноятни содир этгани учун жавобгарликка ҳам тортил-ди. Бир ўзи эмас, қалбаки ҳўжжати унга «ортиқ» қили-ганлар ҳам. Карангки, айнан ўша фу-қаро билан бир хонадонда истикомат қилгани ҳолда, Нукус шаҳар, 21-кичик ма-зе, 14-уй, 12-хонадонда яшайди, деган қалбаки ҳўж-жати кўлга киритган Саод-дат Римбоев ҳам қариндо-шидан қолшмас экан. У Ҳўжайли туман халқ таъли-

ми бўлимига қарашли 15-мактабдан гўё шу таълим даргоҳининг 9-синфини 1995 йили тугатган, дея «КО» се-рияли, 002142 рақамли ша-ҳодатномани олади. Қалба-ки ҳўжжат билан 1998 йили Нукус тижорат ва иқтисодиёт коллежига ўқишга кирди. Уни битириб, Ажиниёз номи-даги Нукус давлат педаго-гика институтига талабасига айланади. 5-босқич чоғида бу кирдикори ош-кор бўлади...

Не ажабки, унинг укаси Жавлонбек Римбоев ҳам эгри йўлни тутганлардан экан. У Нукус шаҳар К. Сайинов кўчаси, 6-уйда истикомат қилади деган қалбаки ҳўж-жат билан Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 8-умумтаълим мактабидан шаҳодатнома «ундиради». Унинг қилмиши ҳам тез ора-да фош бўлади.

Қинғир ишининг қийғи бир кун барибир чикади. Ле-кин ёш авлод тарбияси учун масъул муаллимлар, мактаб директорлари эгри йўлга кирганлари кишини қаттиқ ўйга толдиради.

Муварсар ҚОБУЛОВА, Янгийбой КўЧҚОРОВ.

Оқсаройнинг янги қиёфаси

қори мадрасасида таъ-мирлаш ишлари олиб бо-рилмоқда. Жумладан, шу йилнинг бошида рестав-рация ишлари бошланган Оқсарой мақбарасида айни чоғда сўнғи пар-дозлаш юмушлари бажари-ляпти.

Усталаримиз мақбара-нинг галерея қисми қури-лиши, мрамор плиталар қоплаш, эшик-ромларни ўрнатиш, ганчкорлик ҳамда безак бериш иш-ларини якунига етказишди, — дейди «Самарқанд-таъмир» масъулияти чек-ланган жамияти иш юри-тувчиси Бахрилло Абдулла-ев. — Гумбаз қурилиши ва атрофини ободонлашти-риш ҳам сўнғи босқичга кирди. Усталар сафида ганчкор Амриддин Наж-миев, нақшо Эркин Зу-хуров, гишт терувчи Фа-злӣ Камолов сингари таж-рибали курувчи-бинокор-ларнинг борлиғи ишни қисқа фурсатда ва сифат-ли бажариш имконини бермоқда.

Ҳ. ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хобарлари асосида тайёрланди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Гаровдагилар қатл этилган

Ироқда жангарилар 12 май кунини Маҳмудия шаҳрида гаровга олинган америкалик уч ҳарбийнинг қатл этилганини маълум қилди.

Шу пайтга қадар Ироқдаги Америка ҳарбий кўмондонлиги гаровдагиларни озод қилиш учун кенг ўзлаб амалиётлар ўтказиб келишган. Уларнинг қароридан келган маълумотни қўлга киритиш мақсадида 600 нафарга яқин одам сўроқ қилинди. Бундан ташқари, Пентагон уч нафар ҳарбийнинг қаерда эканлигини айтган шахсга 300 минг доллар ваъда қилган.

чи давлат орқали ҳам мамлакатга киритилмади. Манбада келтирилишича, шу йилнинг январь ойида мамлакат божоначилари Ҳиндистондан келтирилган 54 тонна зарарли ерэнгоқни ушлаб қолишган. Март ойида эса 125 тонна инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи гуруч тўхтатилган.

Импортга тақиқлов



Россия Ҳиндистондан гуруч, кунжут ва ерэнгоқ келтиришни тақиқлаб қўйди. Ушбу қарор ҳужжатлари учун

чи давлат орқали ҳам мамлакатга киритилмади. Манбада келтирилишича, шу йилнинг январь ойида мамлакат божоначилари Ҳиндистондан келтирилган 54 тонна зарарли ерэнгоқни ушлаб қолишган. Март ойида эса 125 тонна инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи гуруч тўхтатилган.

Жамоат

жойларида чекманг



Эстонияда 2005 йилда қабул қилинган тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги қонун 5 июндан кучга кирди. Эндиликда ушбу ҳужжатга кўра, мамлакатдаги барча жамоат жойлари — ошоналар, ресторанилар,

аҳоли ўтиш йўлакчалари ва автобус бекатларида ҳамда кўпқаватли уйлар олдида чекиш қатъиян ман этилди. Мазкур тақиқловга ҳилоф иш тутган ташкилотлар икки минг еврогача, кашандалар эса 77 еврогача жаримага тортилади.

Эстония Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, айни пайтда мамлакатда кашандалар сони ўртача 355 минг кишини ташкил этади.

Дунёдаги узун кўприк

Хитойда дунёдаги энг узун кўприк қурилиши бошланди.

Айирмачилар баёноти

ЭТА айирмачилар гуруҳи Испания ҳукумати билан эришилган тинчлик битимини бекор қилишни билдирди. Бу ҳақда гуруҳнинг «Vertig» газетаси хабар тарқатди. 2006 йил март ойида ЭТА раҳбарлари тинчлик битимини имзолашган. Шундан сўнг Испанияда икки маротаба содир бўлган портлашнинг гуруҳ уз зиммасига олган бўлса-да, келишув ўз кучида қолишни билдирган. Қузатувчиларнинг хавотирланмишича, ушбу баёнотдан сўнг ЭТА жангарилари оммавий терактлар содир этиши мумкин.

Унинг узунлиги 36 километри ташкил этиб, у Дания ва Швецияни боғлаб турувчи «Oresund» кўпригидан етти маротаба узундир. Мазкур лойиҳа қиймати 1,6 миллиард долларга баҳоланмоқда. Ушбу кўприкнинг 2008 йилда ишга туширилиши кутилапти.

Кўприкнинг очилиши мамлакатда нафақат туризм, балки миллий иқтисодийнинг бошқа тармоқлари ривожига ҳам катта ёрдам беради.

Ҳарбий постга ҳужум



Туркия шарқида қурд жангарилари мамлакат армияси постларига ҳужум уюштирди. Оқибатда етти нафар аскар ҳалок бўлди, яна етти нафари жароҳатланди. Ушбу хунрезликда ҳукумат Курдистон ишчилар партиясини айблаб чиқди. Ҳафта бошида мамлакат ташқи ишлар вазири Абдулла Гул расмий Анқара қурд айирмачиларига қарши ҳаракат олиб боришга тўла ҳақли эканлигини маълум қилган.

Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ижодкор аёллар учрашуви

НУКУС. "Олтин мерос" халқаро жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоғистон Хотин-қизлар қўмитаси хузуридаги "Ижодкор аёл" бирлашмаси ҳамда Эллиққалъа тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида "Эллиққалъа - боболарим макон туган эл" деб номланган ижодий учрашув ташкил этилди. Оролбўйининг турли шаҳар ва туманларидан келган фаол, ижодкор хотин-қизлар

янгида бунёд этилган Отажон Худойшукров номидаги Санъат коллежи, Ижодкорлар хиббони, Ёшлар майдонида бўлиб, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Меҳмонлар "Элтек" тўқимачилик мажмуасида, пахта далаларида хотин-қизлар билан дилдан суҳбатлашди. Мовий Аққаюл соҳилида бўлган мушоира узоқ давом этди. Гулистон Матёкубова,

Набира Тўрешова, Бийбар Нунназарова, Гулистон Давлетова, Назира Матёкубова, Гулнора Нуралиева, Минайхон Жуманазарова каби шоирлар ўқиган шеърлар она юрт мадҳи, гузал табиат ва севги-муҳаббатни тараннум этувчи дилкаш наволар, куй-қўшиқларга уланиб кетди.

А. ОРТИҚБОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

УЗБЕКСКО-ЛАТВИЙСКОЕ СОВМЕСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

DIENVIDI
ДИЕНВИДИ

Производство мебели на заказ:

- спальни
- стенки
- офисная мебель
- мебель для учебных заведений

г. Ташкент, ул. Магазин-Мавзук, 254.
Тел.: 398-52-06 (офис), 398-08-97 (маг.), 300-68-88 (сот.). Факс 148-10-35.

Газ уюгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар даққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ
(Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

«Тошкент отчопари» ОАЖ

2007 йил 2 июль кунини соат 11.00 да акционерларнинг навбатдаги йиллик умумий мажлиси ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчаси, 156-уй. Рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади.

Кун тартиби:

- «Тошкент отчопари» очик акционерлик жамияти кузатув кенгашининг 2006 йил иш фаолияти юзасидан кенгаш раисининг ҳисоботи.
- «Тошкент отчопари» очик акционерлик жамиятининг 2006 йил иш фаолияти юзасидан жамият ижроия органи ҳисоботи.
- Жамиятнинг 2006 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамят баланси, молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳулосасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2006 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни, даромадлар бўйича дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини белгилаш.
- Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботини эшитиш.
- Кузатув кенгаши аъзолари янги таркибини сайлашга овоз бериш кумулятив йўл билан тасдиқланишини амалда бажариш.
- Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш.
- Жамиятнинг 2007 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун аудитор томонидан кўрсатилган хизматга ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш.
- Жамият ижроия органини 2006 йил якунлари бўйича муқофотлаш.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 25 январдаги Фармонида биноан жамият бошқарув раисини сайлаш ва ижроия органи таркибига ўзгартириш киритиш.
- Жамиятнинг 2007 йилга мўлжалланган иш режаси (бизнес-режа)ни кўриб чиқиш.
- Инвестицион мажбуриятлар ҳисобига 2007 йил давомида қуриладиган ва қайта тикланадиган бино, иншоотлардан ва жамият ҳудудида олиб бориладиган ободонлаштириш ишлари режасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
- 2007 йилда жамиятнинг асосий воситалари, яъни рўйхатдан чиқариладиган бино, иншоотлар ҳамда транспорт воситалари рўйхатини тасдиқлаш.

Маълумот учун телефонлар: 279-49-29, 116-11-47.

Кузатув кенгаши.

«Тошкент отчопари» ОАЖнинг 1.01.2007 йил ҳолатига ҳисоботи (баланс)

№	Номлари	Актив	Пассив
1.	Узоқ муддатли активлар	84489	
2.	Ишлаб чиқариш захиралари	19014	
3.	Ҳисоблашиш ҳисоб рақамидagi пул маблағлари	39089	
4.	Дебиторлар	207147	
5.	Устав капитали		287878
6.	Кўшилган капитал		19193
7.	Резерв капитали		8355
8.	Кредиторлар		15514
9.	Тақсимланмаган фойда		18799
	ЖАМИ	349739	349739

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

№	Номлари	Даромад	Харажат
1.	Ялпи даромад	198456	--
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	--	18873
3.	Давр харажатлари жами	--	102686
4.	Бошқа даромадлар	8437	--
5.	Солиқлар	--	66463
6.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	--	1608
7.	Соф фойда	17263	--

Баланс ҳисоботи тўғрисида МЧЖ «AUDIT REAL SERVIS» АЖ аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.

KAPITALBANK
АТБ «KAPITALBANK»
БАНК КЕНГАШИНИНГ

2006 йил 25 июлдаги 25-07-06-сонли баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссияси мажлисининг 2007 йил 16 майдаги 81/1-сонли баёнига мувофиқ, Акциядорлик тижорат банки «KAPITALBANK» Тошкент вилояти филиали номи Акциядорлик тижорат банки «KAPITALBANK» Мирзо Улугбек филиали деб ўзгартирилганлигини маълум қилади.

Sonata NF
Santa Fe

New Elantra
Tucson

Тел.: 215-89-89. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган

www.hyundai-motor.com

Гурлан тумани марказида янги буюм бозори бунёд этилмоқда. Умумий қиймати 1,2 млрд. сўмлик, 3,8 гектар майдонни эгаллаган ушбу бозорнинг буюртмачиси «Полвонобод» фермер ҳўжалигидир.

Фермер бозор қураяпти

■ Ёнги минг савдо ўринли ва кишик павильонлари 110 та дўкондан иборат объектда мижозлар учун барча шароитлар муҳайё этилади. 800 ўринли чойхона, 600 ўринли тўйхона, 400 ўринли автомашина тўхташ жойи харидорлар хизматида бўлади. Янги бозорни «Нилуфар» кичик корхонаси қурувчилари бунёд этмоқдалар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАШКИЛОТ БУШ (ВАКАНТ) ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

БОШ ДИРЕКТОР ЁРДАМЧИСИ

Талаблар:

- маълумоти — олий, жаҳон тиллари университетини тамомлаган бўлса мақсадга мувофиқ;
- ўзбек, рус ва инглиз тилларини мукаммал билиши;
- «В» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномасига эга;
- ёши 30 дан ошмаган бўлиши керак.

Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.

ТАШКИ ИКТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА МУТАХАССИС

Талаблар:

- маълумоти — олий;
- меҳнат стаж — камида 5 йил;
- ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши;
- ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак.

Қизиқиш билдирган номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факслар орқали юборишлари мумкин: (998 71) 150-01-11, 150-11-55, 150-54-31.
E-mail: chernetgroup@etc.uz

Спорт • Sport • Спорт • Sport Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Чемпионлик камарлари МДХ боксчиларида

АКШнинг Атлантик-Сити шаҳрида профессионал боксинг ўта оғир вазни — WBO йўналиши бўйича чемпионлик жанги ўтказилди.



Унда амалдаги чемпион америкалик "чарм қўлқоп" устаси Шэннон Бриггс ва даввогар россиялик Султон Ибрагимов уршдилар.

Ун икки раунд давом этган қизиқарли жангда Султон Ибрагимов рақибдан ҳар томонлама устун ҳаракат қилди. Жанг якунида учала ҳакам ҳам россиялик боксчи галаба қозонганини тасдиқладилар.

Ушбу галабадан сўнг, профессионал боксинг ўта оғир вазнидаги барча нуфузли йўналишлар бўйича чемпионлик камарлари МДХ вакиллари қўлига ўтди. Эслатиб ўтамиз, ҳозирда энг нуфузли WBA йўналиши бўйича ҳамюртимиз Руслан Чагаев, WBO ва WBC йўналишлари бўйича россиялик Султон Ибрагимов ва Олег Маскаев, IBF йўналиши бўйича эса украиналик Владимир Кличко чемпионлик камарига эгалик қилишяпти.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Севинч»нинг севинчи чексиз

Хотин-қизлар ўртасида минн футбол бўйича мамлакат чемпионати голиби «Севинч» жамоаси аъзоларига олтин медаллар тантанали равишда топширилди.

Қашқадарё вилояти ҳокими, вилоят футбол федерациясининг президенти Нуриддин Зайниев жамоа раҳбарлари ва футболчиларни бу муваффақият билан табриқлар экан, «Севинч» қизларининг бир неча йилдан буён мамлакат миқёсида пешқадамликни қўлдан бермай келганини, халқаро мусобақаларда ҳам Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилаётганини алоҳида таъкидлади. Жамоанинг минн футбол бўйича уч марта, катта футбол бўйича икки марта мамлакат чемпиони бўлганлиги, икки марта Ўзбекистон кубоги мусобақаларида голиб чиққанлиги шундан далолатдир.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2004» спорт мусобақаларида Термиз давлат университетида 176 нафар талаба-спортчи ва мураббийлар қатнашган эди.

«БУ ГАЛ БЎШ КЕЛМАЙМИЗ»

Ушанда белбоғли кураш бўйича Абдулхамид Мирзаев (55 кг.) олтин, кураш бўйича Фарход Жўлиев кумуш, енгил атлетиканинг 800-1500 метрга югуриш баҳсларида Пётр Попов иккита кумуш медаль, 400 метрга тўсиқлар оша (барьер) югуришда эса Юлиана Келдиева кумуш медалга сазовор бўлганди. Лекин шунга қарамай, термизлик талаба-спортчилар умумжамоа ҳисобида анча орқада қолиб кетишганди.

Мана, орадан уч йил ўтди. Хўш, Тошкентда ўтадиган «Универсиада-2007» спорт мусобақаларининг финал боксичига тайёргарлик ишлари қандай бормоқда? Термиз давлат университетининг ректори, профессор Зоир ЧОРИЕВ шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтди:



Абдулхамид Мирзаев, Уктам Мамадиёров, Алишер Мирзаев, Арслонбек Маҳмудов, Бобомурод Рустамов, Ҳасан Жўраев, Олим Худойқулов, Илҳом Назаров, Нигора Муҳаммадиева, Феруза Мағатова каби талабаларимизга ишончимиз катта. Улар голиблик шохсупасидан ўрин эгаллашади, деган умиддамиз.

Г. САИДМАЛИКОВ.

Фермерлар диққатига!

ТАШКИЛОТ «AGRIKO» (Голландия) компаниясида етиштирилган биринчи репродукцияли элита ва суперэлита сорти куйидаги: эскорт, дитта, эстима, романо, маркиз, кондор, марлен, маранка, марфона, дизере ва бошқа


КАРТОШКА УРУҒЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ НАҚД ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТАКЛИФ ЭТАДИ.



Маҳсулот сертифициланган

Картошка уруғлик материали куйидаги манзилда жойлашган омордан сотилади: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Назарбек» ҚФЙ, Лойиҳачи кўчаси, 7-уй. Мўлжал — «Назарбек» божхона пости. Маълумот учун телефонлар: 162-43-99, 162-40-99, 700-03-77, 333-33-22.

Бу жажжи қушлар ҳақида кўп ёзилган. Менинг ҳам «Қалдирғочлар баҳорда келади» деган ҳикоялар тўпламин 1974 йилда босилиб чиққан. Унинг асосида беназир ва камсукум кинорежиссёр Хожа Аҳмад бадий фильм ҳам яратган.



МЕҲР — ҚАНОТГА ҚУВВАТ

Ёдимда, дала боғимиздаги уйимиз пештоқига қалдирғочлар уя қўйган эди. Ҳар йили баҳор келиши билан бу нодир қушчалар қайлардандириб учиб келишар, она диёримиз осмонини тўлдириб, файз, тароват бахш этишарди. Улар инсонларга ўзларини яқин тутиб, уйлари-миз пештоқига уя ҳам қурадилар. Энг муҳими, ўша қалдирғочлар гала-сидан икки жуфти бизнинг хонадонимизга ўрганиб қолган, ҳар йили баҳор айёмида яна ўзлари қурган уйлари-ни таъмирлаб, бола очиб, насл етиштирарди. Биз уларга ўрганиб қолган эдик, агар кечкиб қолишса, онам: «Қалдирғочлар келишмади-ку, нима бўлди экан», деб қўярдилар.

Қалдирғочлар ҳақида кўп ҳикоялар, афсоналар бор. Менинг яна қалдирғочлар ҳақида сўз очишимга сабаб шуки, яқинда газета таҳририятига борган эдим. Очик туйнукдан чиройли бир қалдирғоч кирибди-ю, чиқиб йўлини тополмай ичкарида қолиб кетибди. Раҳмим келиб, тутиб олдим-да, эҳтиётлаб

жаридамга жойлаштириб, нафаси сиқилиб қолмасин, тезроқ қўйиб юборай, деб лифт томон шошдим. Хуллас, лифт ҳам келди. Ичиде ёшгина қиз қулиб турарди. Шунда қизга: — Мана шу жаридамда сенинг бахт қушинг бор, — дедим.

Киз ҳайрон бўлиб, не дейиши билмайди уялиб. Ташқарига чиққани-миздан сўнг қалдирғочни бироз қафтимда ушлаб турдим-да, қўйиб юбордим. У қанот қоқиб учиб кетди.

Кетаяпману, осмонга қарайман. Кенг самода учиб юрган қалдирғочлар ҳозиргина мен қўйиб юборган қалдирғочни ўраб олиб, меҳр кўрсатардилар: бири қанотлари билан майин силанган, яна бири атрофидан айланиб ҳол сўрагандек гирдиқапалак. Меҳр нафақат инсонларга, балки қушларга ҳам керак экан-да, дейман ўзимга ўзим. Назаримда, ҳалигина гамгин бўлган қалдирғоч ўзига кўрсатилаётган ардоқ ва эъзоздан руҳланиб, осмонни фалақда айланиб-айланиб учарди.

Максуд ҚОРИЕВ.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Куйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказди, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутиш! Алоқа линияларини шикастланган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиб ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти тугилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисиде кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали: Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш. КУ-1 Тўйтепа ш. КУ-1 Ф-л Ангрен ЛТЦ Бекобод	50-36-79, 380-40-35 21-306, 21-121, 186-57-51 2-27-61, 186-57-51 2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили: Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй. КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй. КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй. КУ-3 Тўйтепа ш.	135-36-59 65-80-43 168-72-86 168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Кўкон ш., «Истиклол» к., 58-уй. КУ-2 Бешарик тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй. КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминиора. КУ-4 Андижон ш., Чўпон к., 9-уй. КУ-5 Янгийўл тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	55-2-24-71 61-2-23-66 25-08-82 22-23-81 52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр. КУ Сирдарё ш. КУ Жиззах ш. ЛТЦ-2 Янгийўл ш.	27-16-20 57-28-98, 57-34-36 77-05-27, 6-22-07 72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунгур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., «Ашқобод» к., 1-уй. КУ Тўрткўл ш. КУ Беруний ш.	222-37-07, 222-00-43 532-30-60, ички 1-42 524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. ЛТЦ-16 Денов ш.	3-59-07 7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., «Хуснобод» к., 1-уй. ЛТЦ-15 Ғузур ш.	221-02-41 55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй. КУ-3 Каттақўрғон ш. КУ-4 Ғиждувон ш.	224-75-21 45-5-24-54 57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига руҳсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

- жумладан:
- руҳсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;
- кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларини кўрсатувчи оғоқлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, қўмиб юбориш;
- турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиб, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тукиш;
- магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНДИ!

ХўШЕР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ! АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН
«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси денони жамоаси масъул ходим М. Соипов-га онаси МУБОРАК аянинг вафот этганини муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги жамоаси Қорақалпоқ давлат университети ректори Азат Магочонова синг-лиси Зураҳон МАТЧОНОВА нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси молия департаменти бошқар-ма бошлиғи уринбосари Алишер Муҳаммадиева отаси Раҳматжон МУҲАМЕДОВ нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.
--	--	--

УЛЬЯНОВСКОЕ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги оморхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташуш учун махсус УАЗ-39625.

Кўшимча кабинали УАЗ 39094.

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4х4 МРВ: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобилларини УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва миктақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Найбатчи котиб — Ю. Ҳамидов,
Найбатчи муҳаррир — Э. Болдиев,
Найбатчи — А. Самалов,
Мусаҳҳах — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. УЗА якуни — 23.40 Топширилди — 23.40 2 3 4 5 6